

Angren shahar Davlat xizmatlari
markazi tomonidan
2018 yil "03" "07" da
№88368 qayta ro'yxatdan
"O'TKAZILGAN"

" O'zbekko'mir" AJ
aksiyadorlarning 2018 yil 27
apreldagi navbatdan tashqari
umumiy majlisi qarori bilan
"TASDIQLANGAN"

"O'ZBEKKO'MIR"
aksiyadorlik jamiyatining
USTAVI
(Yangi taxrir)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзбеккўмир” акциядорлик Жамияти (матн давомида –Жамият) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Қонун ва бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, мустақил балансга, банкларда миллий, хорижий валютада счётларга, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлади, судда, хўжалик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Жамият ўз номи ёзилган муҳрга ва рамзий белгига, фирма белгиларига, расмий иш қоғозларига ва юридик шахснинг бошқа белгиларига эга бўлади.

1.5. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармоишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармоишлари, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорларига ва ушбу Устав талабларига амал қилади.

1.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий жамғармалар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган барча мол-мулклардан ташкил топади.

1.7. Жамият тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир ва фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.8. Жамиятнинг расмий номи:

а) Давлат тилида:

тўлиқ номи: **“Ўзбеккўмир” акциядорлик Жамияти** (кирилл алифбосида);

“O'zbekko'mir” aksiyadorlik jamiyati (лотин алифбосида);

қисқартирилган номи: **“Ўзбеккўмир” АЖ** (кирилл алифбосида);

“O'zbekko'mir” AJ (лотин алифбосида).

б) Рус тилида:

тўлиқ номи: **акционерное общество «Узбекуголь»;**

қисқартирилган номи - **АО «Узбекуголь».**

в) Инглиз тилида:

тўлиқ номи: **joint stock company «Uzbekcoal»;**

қисқартирилган номи: **JSC «Uzbekcoal».**

1.9. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): 102500, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Истиклол кўчаси, 1-уй.

1.10. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@coal.uz.

1.11. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzbekcoal.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишинг куйидаги турларини амалга оширади:

-кўмир, руда ва норудавий фойдали йўлдош қазилмаларни қидириш, казиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлаш;

-илмий - тадқиқот ва лойиха ишларини ташкил қилиш, кўмир саноатида техник сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш;

-жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини ҳар томонлама ошириш;

-тайёр маҳсулотни сотиш, жумладан экспорт қилиш;

-бозор конъюктураси ва маҳсулотлар маркетингидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг ривожлаиш стратегиясини белгилаш;

-кўмир тармоғининг инвестиция сиёсати соҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини жалб этиш;

-Жамият кўмир конларини ўзлаштиришнинг тажрибавий ва саноатда фойдаланиш лойиҳаларини, технологик ҳариталарни ҳамда янги объектлар қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқариш, геология-қидирув ишлари лойиҳаларини тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказиш, кўмир қазиб чиқариш тармоғини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш;

-хорижий банк ва компаниялардан соҳани ривожлантириш учун кредит олишни ташкил қилиш;

-таъминот - сотиш фаолияти;

-товар ва хизматлар экспорт - импорти;

-сервис хизматлари;

-қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

Махсус лицензия (рухсатнома) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорларнинг эгалик ҳуқуқи бўлган Жамият барча акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капиталли 39 888 247 000 (ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз саксон саккиз миллион икки юз қирқ етти минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сум бўлган 38 417 197 (ўттиз саккиз миллион тўрт юз ўн етти минг бир юз туксон етти) дона оддий ва 1 471 050 (бир миллион тўрт юз етмиш бир минг эллик) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

3.2. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 792 094 023 дона оддий ва 10 000 000 дона имтиёзли акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, жойлаштирилишини амалга ошмаган деб топиш ва жойлаштириш амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва бошқа мол мулк воситасида амалга оширилади.

3.10 Жамият томонидан акцияларга конвертация қилинувчи, пул маблағлари билан тўланадиган акция ва эмиссион кимматбаҳо қоғозлар жойлаштирилганда- акциядорлар

овоз берувчи акциялар эгалари ўзига тегишли акция сонига мутаносиб сонда сотиб олишда устунликка эга.

3.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари Жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилганга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нарҳи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги. тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондиди ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг

акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга еткунига қадар, ҳар йили соф фойданинг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ажратмалар ўтказилади.

5.5. Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа жамғармаларни ҳам ташкил этиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи .

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият акцияларининг номинал қиймати, устав фондиди оширилиши билан боғлиқ киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

-Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондиди камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

-Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

-Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият афилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятига кирувчи келишувларни аниқлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.5. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши Жамиятнинг “Жамият акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низом асосида чақирилади ва ҳар йилнинг июл ойга қадар ўтказилади.

7.6. Бир фойздан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқини берадиган Жамият акциясига эга бўлган акциядорлар (акциядор) кун тартибига, даромадларни тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзоллигига номзодлар бериш, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказгунга қадар уларни алмаштириш ҳуқуқига эга.

7.7. Бир фойздан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқини берадиган Жамият акциясига эга бўлган акциядорлар (акциядор) Жамият молиявий йили тугагач 90 кун ичида, Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (ревизорлар), ушбу орган сонли таркибидан ошмаган ҳолда номзодларни беришлари мумкин.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиш учун киритиш;
- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;
 - Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
 - акцияларни жойлаштириш нарҳини белгилаш;
 - руйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
 - қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Жамият бошқарувини тузиш, унинг раисини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қилиш;
 - Жамият Бошқарув раисининг (бош директор) ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
 - Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.
 - Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик Жамият корпоратив веб сайтыда ушбу тартибни жойлаштириш билан хайрия ва беғараз ёрдам (пул тўлови) тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Кузатув кенгаши қошида тегишли саволлар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) тузиш;
 - Буш иш ўринларига танлов (регламент) асосида директорларни танлаб олиш;
 - қонунчиликда белгиланиан бошқа масалалар;
- Бир фоиздан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқини берадиган Жамият акциясига эга бўлган акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши йиғилиши чақирғини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади. Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган

бўлса мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги низоми асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижройи-идора этувчи орган - Коллегиял бошқарув асосидаги ижройи фармоиш берувчи - Бошқарув раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув раиси - Бош директор деб аталади.

9.2. Бошқарув аъзолари 5 (беш) кишидан иборат таркибда Жамиятнинг акциядорларининг умумий йиғилишида бир йил муддатга сайланади.

Бошқарув раиси (Бош директор) билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.3. Бошқарув органи Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва тезкор раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.4. Бош директор (Бошқарув раиси) акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.5. Бош директор (Бошқарув раиси)га тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

9.6. Бошқарув органининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

- Жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият филиаллари, шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларининг фаолиятини самарали ташкиллаштириш ва қонунчилик асосида назорат этиш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳар чоракда кенгайтирилган ижроя орган мажлисида кўриб чиқиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

9.7. Бош директор (Бошқарув раиси) нинг ваколатлари:

- мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият номидан битимлар тузиш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- Жамият ходимлари бўйича штатларни тасдиқлаш;

- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш.

9.8. Бош директор (Бошқарув раиси) узоқ муддатда бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини унинг ўринбосари ёки Кузатув кенгаши томонидан белгиланган шахс амалга оширади.

9.9. Бошқарув органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги низомда белгилаб кўйилган.

9.10. Бошқарув органи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.11. Бошқарув органи қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

9.12. Бошқарув органи мазкур Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ўзбеккўмир” АЖ бошқаруви тўғрисидаги низом асосида иш олиб боради.

9.13. Акциядорлар вакили бўлиб иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия орган аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.14. Бошқарув органига мукофот пуллари Жамиятни ривожлантириш Бизнес режасида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар асосида, кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилгандан сўнг тўланади.

Х. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ.

10.1. Жамият ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, шу жумладан устав капиталининг эллик фоиздан ортик қисми Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар учун.

10.2. Жамиятда Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими киритилиши мумкин. Маслаҳатчи кузатув кенгашига ҳисобот беради ва корпоратив қонунчиликка риоя қилиш учун назорат функциясини бажаради.

ХІ. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

11.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиши ва ҳар қандай молиявий ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги текширишга ҳақли;

- бошқарув органи, унинг филиаллари, бўлинма ва хизматларидан, ҳамда мансабдор шахслардан ўз иш фаолиятлари учун керакли ҳужжатларни талаб этиши;

- агарда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига ва унинг манфаатларига хавф туғдирадиган далиллар аниқланган ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини (бир овоздан) талаб қилишлари;

- кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзолари таклифига биноан кузатув кенгаш мажлисида катнашишлари.

Жамият тафтиш комиссиясининг бошқа ваколатлари “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомда белгилаб кўйилган.

11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига сўралган кундан бошлаб икки кун ичида тақдим этишлари шарт.

11.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айтиб ўтиш керакки, Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

11.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ўзбеккўмир” АЖ тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилган.

XII. АКЦИДОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

12.1. Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг ўзаро позицияларини шакиллантириш учун акционер келишувлар тузиш ҳуқуқига эга.

12.3. Миноритар акциядорлар бошқарув органлари фаолиятига-асоссиз ҳужжатларни талаб қилиш ва конфиденциал ахборот, тижорат сирини ишлатиш (фош қилиш) йўли билан ҳалакит бермаслиги керак.

XIII. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ.

13.1. Миноритар акциядорлар қўмитаси моддий таъминоти учун харажатлар Жамият маблағлари ҳисобидан қопланади (миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил қилинганда).

XIV. ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

14.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

14.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан қонунчиликда белгиланган муддатда Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

XV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чикариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

15.2. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқӣ ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

15.5. Жамият Ихтиёрий равишда тугатилаётганда акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

15.6. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15.7. Тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Жамият тугатилаётганда тугатувчи Жамият номидан судда иштирок этади.

XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

16.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

16.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Жамият бош директори в.б.

А. Р. Одилов